

ЎЗБЕКИСТОН – МИСР: ТАРИХИЙ ТАШРИФНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг таклифига биноан 20 февраль куни расмий ташриф билан Қоҳира шаҳрига келди.



MISR ARAB RESPUBLIKASI ISHBILARMON DOIRALARI VAKILLARI BILAN UCHRASHUV

Qohira, 2023-yil 20-fevral

اجتماع مع ممثلي مجتمع الأعمال بجمهورية مصر العربية
القاهرة، ٢٠ فبراير عام ٢٠٢٣

Миср, 20 февраль. ЎЗА махсус мухбири Зейдулла ЖОНИБЕКОВ хабар қилади.

Миср пойтахтининг халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан икки мамлакат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон етакчисини Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси кутиб олди ва самимий қутлади. Давлат раҳбарларининг қисқа учрашуви бўлиб ўтди.

Президентимиз Миср Араб Республикасига расмий ташрифини Аҳмад Фарғоний мероси зияратидан бошлади.

Маълумки, бу буюк ватандошимиз ўз даврининг етук астрономи, математиги ва географи бўлган, Бағдод ва Дамашқда илмий тадқиқотлар ўтказган, 856 йилдан эса Қоҳирада яшаб, умрининг

сўнгига қадар Мисрда илм-фан билан шуғулланган.

Олим кўлаб муҳим кашфиётлар қилган. Жумладан, 861 йилда Нил дарёсидagi Равза оролида сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо эттирган. "Миқёс ан-Нил" номи билан машҳур бу қурилма қишлоқ ҳўжалиги ва иқлимни баҳолашда жуда муҳим бўлган. Қарийб 1200 йил давомида иншоотдан ўтган асргача узлуксиз фойдаланилган. Бугунги кунда эса у туристик масканга айлантирилган.

2007 йилда Миқёси Нил яқинидаги хиёбонда Аҳмад Фарғонийга ҳайкал ўрнатилган. Президентимиз унинг пойига гулчамбар қўйиб, мутафаккир бобомизнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Миқёси Нил иншоотини кўздан кечирди, унинг тарихи, Аҳмад Фарғоний илм-фанга

қўшган ҳиссаси ҳақида олимлар билан суҳбатлашди. Улуғ алломанинг ҳозиргача сақланиб келаётган мероси, умуман, ўзбекларнинг Миср тарихидаги ўрни халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликдан далолат бериши таъкидланди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Миср цивилизацияси миллий музейига ташриф буюрди.

Ҳозирда Қоҳиранинг таркибига кирган қадимий Фустат шаҳрида жойлашган музей Мисрнинг бой тарихидан ҳикоя қилувчи ноёб экспонатлар тўпламига эга.

Бу ерда қадим замонлардан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олган 50 мингдан ортиқ ашёлар, жумладан, фиръавнлар мумиёлари, ҳўқмдорлар тахталари ва ҳайкаллари, заргарлик буюмлари, шунингдек, уй-рўзгор ва хунармандчилик буюмлари кўргазмага қўйилган.

Давлатимиз раҳбари экспозициянинг Қадимги, Ўрта ва Янги ҳўқмдорлик, юнон, Ўрта аср ва ислом даврларига оид қатор хронологик ва тематик бўлимлари билан танишди.

Президент Миср заминидан бир-бирини алмашлаб келган турли цивилизацияларнинг ёдгорликларини катта қизиқиш билан кўздан кечирар экан, тарих ва маданият бирдек буюк меросга эга халқларимизни яқинлаштиришнинг муҳим воситаси эканини таъкидлади.

Миср томони вакиллари, ўз навбатида, Ўзбекистон раҳбарига музейга ташриф учун миннатдорлик билдириб, халқларимизни боғлаб турувчи муштарак жиҳатлар кўплиги, бу дўстлик ва ўзаро англашув ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Шу маънода, икки мамлакат музейлари ва тарихчилари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, умумий меросимизни биргаликда ўрганиш, ўзаро кўргазмалар, маданият кўнларини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Президентимиз музейнинг Фахрий меҳмонлар китобида қайд қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миср Араб Республикасига расмий ташрифи доирасида ушбу мамлакат етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Миср томонидан тadbирда халқаро ҳамкорлик бўйича ваизир Рания ал-Машат, Савдо палаталари Федерацияси президенти Иброҳим Маҳмуд ал-Арабий, "Eisewedy Electric", "El Araby Group", "Orascom Construction", "Polyserve Group", "Al-Rowad", "Lotus Garments Group" каби йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларда улкан салоҳият борлиги, ишбилармонлик ва тadbиркорлик алоқаларини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ўзаро инвестицияларни фаоллаштириш ва савдонини ошириш учун катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз етакчиси икки мамлакат ишбилармон доираларининг саъй-ҳаракатлари билан ўтмишда гуллаб-яшнаган Буюк ипак йўлидек мустаҳкам ҳамкорлик кўприкларини қайта тиклашда муҳим ўрин тутишини кўрсатиб ўтди.

Кейинги йиллардаги шериклик суръати мамнуният билан қайд этилди. Хусусан, товар айирбошлаш кўрсаткичлари қаррасига оиди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони б баробар кўпайди.

Давлатимиз раҳбари куни кеча ўтган Ўзбекистон — Миср бизнес-форумининг самарали натижаларини, унинг якунида умумий қиймати 1,6 миллиард долларлик 20 дан зиёд битим ва шартномаларни амалга ошириш юзасидан аниқ келишувларга эришилганини юксак баҳолади.

Энергетика, электротехника, кимё, тоғ-кўн, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика, чарм-пойабзал тармоқларида амалга ошириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

— Миср компанияларига мамлакатимизда катта инвестиция дастурларини биргаликда амалга ошириш учун барча имкониятлар очик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ва янги ўсиш нуқталарини рўйба рўй чиқариш юзасидан фикр алмашилди. Қўшма лойиҳа ва келишувларни амалга оширишни тез фурсатда бошлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Мисрнинг етакчи компаниялари вакиллари ўз чиқишларида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни юқори баҳоладилар.

Булаётган янгиланишлар, иқтисодиётнинг либераллашуви ва қўлай инвестиция муҳити яратилгани Миср бизнесининг Ўзбекистон бозоридаги фаолиятини кенгайтириш учун катта имкониятлар очётгани алоҳида қайд этилди.

Масалан, "Eisewedy Electric" компанияси электр энергияси, трансформаторлар ва кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Мисрдаги энг йирик корхона бўлиб, шомол ва қуёш электр станцияларини қуриш, трансформаторлар, кабель-сим маҳсулотлари ва қўшимча қисмларни ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга тайёр.

"Orascom Construction" Ўзбекистонда индустриал парк яратган ҳолда, унинг ҳўдудиде лок-бўёқ маҳсулотлари ва қурилиш материаллари учун кимёвий моддалар ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, шунингдек, 100 МВт қувватли шомол электр станциясини қуришдан манфаатдор эканини билдирди.

Икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида фикр-мулоҳозалари билан бўлишиб, Мисрнинг йирик сармоядорлари мамлакатимизни Марказий Осиё бозорларига чиқиш учун кўприк сифатида кўраётганларини қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев билдирилган режа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон томонининг мутаассадиларига таклиф этилган лойиҳалар ижроси устидан қатъий назоратни таъминлаш топширигини берди.

Учрашув якунида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва савдо-инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қўшма "йўл харитаси" қабул қилиниши белгилан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2022 йил 14 декабрдаги мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббусига асосан ишлаб чиқилган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида" ги резолюция бир овоздан маъқулланди.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПАРЛАМЕНТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси, Инсон ҳўқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Барқарор ривожланиш маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамағарма (Германия) томонидан 2023 йил 23 февраль куни Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини ва аҳолининг бу борадаги хабардорлигини ошириш, жамиятда инсон ҳўқуқлари ва барқарор ривожланиш маданиятини шакллантириш масалаларига бағишланган халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Шу ўринда куйидагиларни таъкидлаш жоиз деб биламиз.

Давоми 3-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МИСРГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

ИККИ ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон — Миср ҳамкорлиги учун муҳим бўлган ушбу расмий ташрифи арафасида мамлакатимизнинг Қоҳирадаги элчиси Мансурбек ҚИЛИЧЕВ "Дунё" АА мухбири саволларига жавоб берди.

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг Миср билан муносабатлари қандай ривожланаётгани ҳамда ўзаро алоқалардаги ўзига хосликлар ҳақидаги маълумотларни билишни истар эдик...

— Ўзбекистон ва Миср халқлари алоқалари узок ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда асрлар давомида шаклланган дўстлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда.

Давоми 2-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АЛИФБОСИ

БУНИ ЯХШИ БИЛИШ ВА АМАЛДА ҚўЛАШ
ҚАНДАЙ САМАРА КЕЛТИРАДИ?

Эркин рақобатни шакллантириш, тadbиркорларга янги бозорларни очиш, "яширин иқтисодиёт" ва коррупцияни кескин камайтиришда қайси восита кўл келади? Албатта, биржа савдолари. Бозор муносабатларини биржасиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Чунки талаб ва таклиф, соф рақобат, котировка, замонавий ахборот технологиялари унинг фаолият муҳити ва таркибини белгилайди.

Бу, ўз навбатида, тadbиркорларнинг товар ресурсларидан эркин фойдаланиш имкониятлари кенгайиши, соғлом рақобат ривожини таъминлайди. Яна бир муҳим жиҳати, тузилган битимларнинг бажарилиши кафолатланади ва бу иштирокчиларнинг шартномавий интизомини мустаҳкамлайди.

Давоми 4-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МИСРГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

ИККИ ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧАДИ

“ ПРЕЗИДЕНТ АБДУЛФАТТОҲ АС-СИНИНГ 2018 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ЧОҒИДА КЕЛИШИЛГАН ҲУЖАТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИЖРОСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚОҶИРАГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ДОИРАСИДА ЭРИШИЛАДИГАН КЕЛИШУВЛАРНИНГ ИЗЧИЛ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР ЎРТАСИДА БАРЧА СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ҲАМДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН МУСТАҲҚАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ.

Бошланғичи 1-бетда

Икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларнинг ривож топшида халқларимизнинг тарихий-маданий алоқалари ва маънавий-диний яқинлиги муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Юртимиз раҳбарияти Мисрни Яқин Шарқ минтақасида изчил ривожланаётган муҳим давлат ва Африка қитъасидаги истиқболли шерик сифатида билади. Миср Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб, 1991 йил 26 декабрь куни эътироф этган. Дипломатия муносабатлари 1992 йил 23 январь куни ўрнатилган.

1993 йил май ойида Тошкентда Миср элчихонаси очилган. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси 1994 йил декабрь ойидан фаолият бошлаган.

Ўзбекистон биринчи Президентининг 1992 йил декабрь ойи ва 2007 йил апрель ойида Мисрда расмий ташрифлари икки томонлама муносабатлар ривожига хизмат қилди.

2018 йил 4-5 сентябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси ўртасида бўлиб ўтган олий даражадаги музокара тарихий аҳамият касб этгани ҳолда, ўзаро алоқаларни сифат ва мазмун жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқди. Ташриф доирасида 11 та расмий ҳужжат имзоланиб, умумий қиймати 500 миллион долларга яқин шартномалар юзасидан келишувга эришилди.

2022 йил февраль ойида Хитой пойтахти Пекин шаҳрида Қишки Олимпия



ўйинларининг расмий очилиши доирасида икки дуст мамлакат Президентлари ўртасида мулоқот бўлиб ўтди. Мазкур учрашувлар муштарак манфаат касб этадиган ҳамкорликнинг кўлами кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Икки давлат Ташқи ишлар вазирлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар механизми яратилган. Ушбу мулоқотнинг сўнгги раунди 2022 йил май ойида ўтказилган.

Ўзбекистонда Мисрни араб-мусулмон оламнинг етакчи давлатларидан бири ҳамда халқаро ва минтақа миқёсида муҳим ўрин эгаллаган мамлакат сифатида яхши билишади.

Биз Африка қитъасидаги ишончли шеригимиз бўлган Миср билан

муносабатларимизга узоқ муддатли ва тизимли тус беришдан манфаатдормиз. Миср билан БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорлик фаол давом эттирилмоқда. Савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий, таълим ва сайёҳлик соҳалари устувор йўналишлар ҳисобланади.

— Миср Президенти Ўзбекистонга расмий ташриф буюрганига қарий беш йил бўлди. Шу давр оралиғида Ўзбекистон — Миср муносабатларида қандай ўзгаришлар рўй берди?

— 2018 йил сентябрь ойида Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг Ўзбекистонга расмий ташрифидан сўнг икки томонлама муносабатлар кенгайиб ва мазмун жиҳатидан янги bosқичга чиқиб, барча соҳаларда изчил ривожланмоқда.

Хусусан, таълим соҳасида олий таълим вазирликлари, университетлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда, талаба ва ўқитувчилар алмашуви йўлга қўйилмоқда. Дунёдаги энг нуфузли олий ўқув юрталари каторига кирувчи Қоҳира, Айн Шамс, Искандария, Хелван ва Порт Саид университетлари билан мамлакатимиз олий таълим муассасалари фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ал-Азхар университетидега кўплаб ватандошларимиз ислом дини ва араб тили бўйича ўз билимларини бойитмоқда.

Дипломатик паспорт эгаларининг визасиз сафарларига оид битим имзоланиши натижасида ҳукумат вакиллари, ташқи сиёсат идоралари ходимларининг учрашувлари мунтазамлик касб

этди. Ўзбекистон ва Миср Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказиш ҳам доимий тус олди.

Мисол тариқасида ўтган бир йил ичида юқори даражада кўплаб тadbирларни уюштиришга эришганимизни қайд этишни истар эдим. 2022 йил 25-26 май кунлари Қоҳира шаҳрида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 10-давраси бўлиб ўтди.

2022 йил 15-16 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқандда ўтказилган саммити доирасида Миср ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Хамди Лоза бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Тошкент шаҳрида Мисрда ШХТнинг “мулоқот бўйича ҳамкори” мақоми бериш ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

2022 йил 14 ноябрь куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича 27-конференциясидаги (COP27) иштироки доирасида Миср Сенати спикери Абдулваҳоб Абдулрозик билан учрашди. Унда парламентлар ўртасида яқин ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодиёт ва инвестиция ҳамкорлиги кўлами ҳам тобора кенгаймоқда. Ўзбекистоннинг Қоҳирадаги дипломатик ваколатхонаси кўмағида 2022 йил Мисрнинг 25 та компанияси вакилларининг мамлакатимизга амалий сафарлари ташкил қилинди, ўнлаб бизнес-форумлар ва давра суҳбатлари уюштирилди.

Мамлакатимиз вазирлик ва идораларининг турли даражадаги делегациялари Мисрда ташкил этилаётган турли анжуманларда мунтазам қатнашмоқда.

“ ИККИ МАМЛАКАТ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎНАЛИШЛАРНИ БИРГАЛИҚДА ИШЛАБ ЧИҚМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ТЕРМИЗ — МОЗОРИ-ШАРИФ — КОБУЛ — ПЕШОВАР ТРАНСАФОН ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ҚУРИЛИШИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ПОКИСТОН БАНДАРГОҲЛАРИ ОРҚАЛИ МИСРГА ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ ЧИҚИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

Хусусан, ўзбекистонлик тadbиркорларнинг “Cairo Fashion & Tex”, “Inter Leather” ва “Food Africa-2022” халқаро кўргазмаларидаги иштирокини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро алоқалар ҳам борган сари ривожланмоқда. Биргина 2022 йилда элчихона иштирокида маданият, таълим, санъат ва кино санъати йўналишларида 30 дан ортиқ тadbир ўтказилди.

2022 йил июль-август ойларида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ал-Азхар мажмуаси тadbирчилари ўртасида “Имом Мотуридий мероси” мавзусида танлов ташкил этилди. 18 октябрь куни эса Искандария Медиа институтидега бир гуруҳ ўзбекистонлик шоир ва ёзувчилар иштирокида ўтган Ўзбек адабиёти кечаси маҳаллий адабиёт ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Мисрнинг Китоблар ва миллий архивлар уйи томонидан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига Алишер Навоий ва Камолiddин Беҳзод ижодида оид кўләмалар нусхалари тақдим этилди.

Миср вакиллари Ўзбекистонда ташкил этилаётган тadbирларда фаол иштирок этмоқда. ШХТнинг Халқ дипломатияси тadbирлари, “Шарқ алло-маларининг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро конференция, “Лазги” халқаро рақс фестивали, Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали, “Ўзбекистон маданий мероси — янги Уйғонш даври пойдевори” халқаро конгресси, “Халқаро зйёрат туризми” рафталлиги, ЮНЕСКОнинг II жаҳон конференцияси, “Тошкент қувончлари” IX халқаро болалар расмлари биеннаlesi, “Ипак йўли дурдониси” Тошкент халқаро кинофестивали, “Ипак йўлида туризм” Тошкент халқаро туризм ярмаркаси шулар жумласидан.

— Яқин вақт оралиғида ҳамкорликда қандай йирик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?

— Мисрнинг “Orascom Telecommunications and Construction”, “Al Suwaidi Electrics”, “Pharco”, “Solyphar” ва бошқа компаниялари вакиллари Тошкент, Наманган, Фарғона ва Термиз шаҳарларида бўлди.

Учрашувлар давомида 30 дан зиёд ўзаро манфаатли битим ва меморандум имзоланди, турли соҳаларни қамраб олган 12 та қўшма корхона рўйхатдан ўтказилди.

Хозирги пайтда Мисрнинг “Solyphar” компанияси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятидаги “Бўстонлиқ-фарм” эркин иқтисодий зонасида дори-дармон ишлаб чиқариш заводини қуриш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳаниннг қиймати 20 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

“Elsowedy Electric” компанияси томонидан мамлакатимиз энергетика соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва инновация ишланмаларини жорий этиш устида ҳам иш олиб борилмоқда.

— Томонлар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мисрда расмий ташрифидан нималарни кутмоқда?

— Шавкат Мирзиёевнинг Мисрда илк расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи солномасида янги саҳифа очади.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси ўзаро ишонч ва дўстона муҳитда кенг кўламли ҳамкорликнинг барча қирралари ва долзарб халқаро муаммолар бўйича фикр алмашадилар.

Музокарада сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, хавфсизлик, мудофаа, минтақавий боғлиқлик, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Икки давлат раҳбарлари ҳузурда ҳукуматларо ва идоралар ўртасида қатор ҳужжатларни имзолаш ҳам режалаштирилган.

Ташриф арасида Ўзбекистон ва Миср ишбилармон доиралари иштирокида ўтказиладиган бизнес-форум якунида йирик иқтисодий келишувларга эришиш кўзда тутилган.

Икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда энг мақбул йўналишларни биргалиқда ишлаб чиқмоқда. Жумладан, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар трансфонт темир йўлининг қурилиши Марказий Осиё давлатларининг Покистон бандаргоҳлари орқали Мисрга тез ва қулай чиқиш имконини беради.

Президент Абдулфаттоҳ ас-Сисининг 2018 йилда Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида келишилган ҳужжатларнинг амалий ижроси ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қоҳирага расмий ташрифи доирасида эришилган келишувларнинг изчил ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистон ва Миср ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳамда стратегик шерикликни шакллантириш учун мустаҳкам замин яратади.

“Дунё” АА
Қоҳира

ХИТОЙНИНГ ЦИНДАО ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО ЭКСПОМАРКАЗДА ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАВИЛЬОНИ ОЧИЛДИ

Жорий йил 17 февраль куни Хитойнинг Циндао шаҳрида (Шаньдун провинцияси) “Хитой — ШХТ пилот зонаси марвариди” халқаро ЭКСПО маркази ҳудудида Ўзбекистон савдо уйининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур мажмуадан Ўзбекистон билан бир қаторда ШХТга аъзо бўлган бошқа давлатларнинг савдо павильонлари ҳам жой олган.

Очилиш маросимида Шаньдун провинцияси ва Циндао шаҳри маъмурияти, ишбилармон доиралар вакиллари, Хитой Тижорат вазирлиги ҳудудий бўлинмаси, Марказий Осиё мамлакатларининг Хитойдаги элчихоналари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон савдо кўргазмаси пештахталаридан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган экспортбон маҳсулотлар жой олди.

Хусусан, мева шарбатлари, табиий асал, қурилган мевалар, қандолат маҳсулотлари, маъданли сув, заъфарон, тўқимачилик ва чарм-саноат маҳсулотлари, кабель-ўтказгичлар, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари шулар жумласига кирди.

ЭКСПО марказида ташкил этилган Ўзбекистон савдо павильонининг майдони 600 квадрат метр. Миллий услубда ишланган павильон ўртасида қад кўтарган Соҳибқирон Амир Темури ҳайкали, Регистон ансамблидаги Мирзо Улуғбек мадрасаси ва Бухородаги Минораи Калон макетлари меҳмонларда алоҳида таассурот қолдирди. Павильоннинг ички деворларида Ўзбекистоннинг бугунги тарақиёти, юртимиз тарихи, маданияти, туризм салоҳияти ҳамда Ўзбекистон

ва Хитой ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик ҳақида ҳикоя қилувчи ахборотлар акс эттирилган.

Циндао шаҳрида “Хитой — ШХТ” минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган пилот зонаси ташкил этиш ташаббуси 2018 йил ўтказилган ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 18-саммитида Хитой Раиси Си Цзиньпин томонидан илгарчи сурилган эди.

“Хитой-ШХТ пилот зонаси марвариди” деб номланган ЭКСПО марказининг умумий майдони 168 минг квадрат метрни ташкил этади. ЭКСПО марказ “Бир макон — бир йўл” ташаббуси иштирокчилари ва ШХТга аъзо давлатлар учун тўловсиз кўргазма намойишига, маҳсулотлар савдоси, йирик анжуманлар ва учрашувларни ўтказишга имкон беради.

Мазкур майдон Ўзбекистоннинг Хитой ва умуман, ШХТ давлатлари билан савдо-иқтисодий ва логистика тизимлари ҳамкорлигини янада ривожлантириш нуктаи назаридан муҳим амалий аҳамиятга эга.

Циндао шаҳри Осиё-Европа трансконтинентал йўлагининг шарқий бандаргоҳи, Хитойдаги денгизга туташ ун тўртта йирик шаҳардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Циндао Шарқий Хитой ҳудудидаги замонавий саноат, ташқи савдо ва сайёҳликка эга янги бандаргоҳ шаҳар, деб ҳам аталади.



Минг СИН, “Суйфэньхэ Динхон” савдо компанияси директори:



— Компаниямиз Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотларининг Хитойга импорти билан шуғулланиб келмоқда.

Бугун биз ушбу маҳсулотларни Хитойнинг Циндао шаҳридаги халқаро ЭКСПО маркази ҳудудида ташкил этилган Ўзбекистон савдо уйининг павильонига жойлаштириб, меҳмонлар ва харидорлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қандолат маҳсулотлари Хитой бозорида ўз ўрнини топиб, сифати билан тобора истеъмолчилар ишончини қозониб бормоқда.

Жамшид СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Хитойдаги вакили:

— Циндао шаҳридаги “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти пилот зонасида очилган Ўзбекистон павильони юртимиз ишлаб чиқарувчилари ва экспортёрлари учун янги имкониятлар очади.

Режага қўра, бу ерга йилига бир неча миллиондан зиёд одам ташриф буюради, кўргазмадаги маҳсулотлар билан яқиндан танишиш ва харид қилиш имконига эга бўлади.

Элчихонамиз билан биргалиқда шу каби савдо уйлари Хитойнинг бошқа шаҳарларида ҳам очил режалаштирилган. Бундан ташқари, ҳозирги кунда мамлакатимиз маҳсулотлари Хитойнинг бир қатор электрон платформалари орқали сотилмоқда.

Мазкур савдо павильони очилиши Ўзбекистон маҳсулотларининг Хитойда янада танилишига ва экспорт миқдори ошишига хизмат қилади.

“ ЎЗБЕКИСТОН ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХИТОЙ БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИБ, СИФАТИ БИЛАН ТОБОРА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ИШОНЧINI ҚОЗОНИБ БОРМОҚДА.

Эми ЛИ, Хитойнинг “Alibaba.com” онлайн савдо компанияси вакили:



— Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотлари билан Хитой бозорларига фаол кириб келмоқда. Бизнинг онлайн савдо платформамизда ҳам кўплаб шундай маҳсулотларни кўриш мумкин. Улар ўз харидорларини топмоқда, савдо ҳажми ҳам ўсиб бормоқда.

Бугун Циндаодаги ЭКСПО марказида Ўзбекистон савдо павильони очилиши тadbиринида қатнашиб турганимдан хурсандман. Бу ерда мен янги маҳсулотлар билан танишдим. Компаниямиз Ўзбекистон билан келгусида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилишга ва ўзбек маҳсулотларини Хитойда тарғиб қилишга тайёр.

“Дунё” АА
Циндао

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — АМАЛДА

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПАРЛАМЕНТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ



Акмал САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Дунё миқёсида инсон кадри ва ҳуқуқларига бўлган эътибор, парламентлар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамияти ошиб бораётгани

Биринчи. 2015 йилнинг сентябрь ойида БМТ саммитида 2030 йилгача бўлган барқарор ривожланиш Кун тартиби ва унинг 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) тасдиқланди. Мазкур "Кун тартиби бу — одамод, сайёра ва фаровонлик йўлидаги ҳаракат режаси" ҳисобланиб, у янада эркинроқ шароитларда умумбашари тинчликни мустаҳкамлаш, барқарор тинчлик ва тараққиётни таъминлаш ғоясига асосланган, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти томонидан ўзаро боғлиқ ва глобаллашадиган дунёда мавжуд ёки юзага келадиган асосий муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш учун биргаликда фаол чоралар кўришга йўналтирилган".

БРМ эса Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа асосий халқаро шартномаларга асосланган бўлиб, уларнинг ўзига хос квинтэссенцияси ва давом эттирувчиси. БРМда инсон кадри ва унинг ҳуқуқларини таъминлашга бўлган замонавий дунёқараш акс эттирилган. БРМлар ўзаро чамбарчас боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи ва мустаҳкамловчи бўлиб, барқарор ривожланишнинг "учта устуни" — иқтисодий, ижтимоий ва экологик мувозанатни таъминлашга қаратилган.

Иккинчи. БРМни ишлаб чиқиш жараёнида БМТга аъзо давлатлар ҳуқуқматлари билан бир қаторда парламентлар, 1500 дан зиёд фуқаролик жамияти институти иштирок этди. Шу маънода БРМ, албатта, БМТ, давлатлар ва "глобал фуқаролик жамияти" ўртасидаги узоқ мuddатли маслаҳат жараёнининг натижасидир.

Учинчи. XXI асрда биргина БМТ ва "БМТ оиласига аъзо" халқаро ташкилотлар доирасида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини ошириш, фаолияти учун кулай сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш, хусусан, уларнинг фуқаролар жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, БРМга эришиш жараёнидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби масалаларда давлатларнинг мажбуриятлари ва вазифаларини белгилаб берган 100 дан зиёд халқаро-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Зеро, уч ўзаро боғлиқ масала — фуқаролик жамияти институтларининг қарорлар қабул қилишдаги иштироки, уларнинг "фаолият макони кенгайтириш" ва ҳимоя қилиш, кучли ва фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш, барқарор ривожланиш, тинчлик, хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашнинг муҳим ва зарур шарти ҳисобланади.

Тўртинчи. БМТнинг тегишли ҳужжатларида парламентлар ва фуқаролик жамияти институти фаолияти учун нафақат кулай ва зарур шарт-шароитлар яратиш, балки ушбу институтиларнинг БРМга эришиш борасидаги асосий вазифалари ҳам белгилаб берилган:

• БРМларни, инсон кадри, эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини, авваламбор, давлатлар конституциялари ва қонунларида сингдириш, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида, хусусан, қарорлар қабул қилинишидаги иштирокини

таъминловчи, умум тан олинган халқаро демократик стандартларга жавоб берувчи ва одил судловдан самарали фойдаланишни кафолатловчи меърий-ҳуқуқий асосни шакллантириш;

• давлатлар тараққиётини белгилаб берувчи стратегиялар, концепциялар ва дастурларнинг миллий БРМларни ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилишига эришиш;

• БРМларга эришиш борасида кучли парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада аҳоли хабардорлигини ошириш, давлат ташкилотлари фаолияти очқилиги ва ошқоралигини таъминлашга кўмаклашиш;

• БРМ соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтиларининг иштироки учун кенг имкониятлар яратиш;

• давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда миллий БРМларни инobatта олиш ва соҳага зарур маблағлар ажратиш ("БРМ йўналтирилган бюджетлар" қабул қилиш);

• жамиятда инсон кадри, ҳуқуқлари ва эркинлиги ҳамда барқарор ривожланиш маданиятини шакллантириш соҳаларидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тизимини ривожлантириш;

• БРМ соҳасида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун фуқаролик жамияти институтиларини зарур ресурслар билан таъминлаш ва узоқ мuddатли қўллаб-қувватлаш;

• парламент фаолиятида, раҳбарлик лавозимлари тайинлашда, барча даражадаги муҳим қарорларни қабул қилишда аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида иштирокини таъминлаш;

• БРМ соҳасида халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, хусусан, "парламент ва халқ дипломатияси" институтилар имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш ва ҳоказо.

Шунингдек, Барқарор ривожланишнинг ижтимоий мақсадларига эришишда, айниқса, парламент ва фуқаролик жамияти институтиларининг роли ўта муҳим саналиб, у бугунги кунда таълим,

Иккинчидан, Олий Мажлис Президентимиз ташаббусини қўллаб-қувватлаш, БМТ ушбу резолюцияси қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашишда "парламент дипломатияси" институти имкониятларидан ҳам кенг фойдаланмоқда.

Масалан, бу борада 2021 йил Бухоро шаҳрида ўтказилган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик" мавзусидаги парламент форуми, 2022 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган Парламентларо Иттифоққа аъзо давлатлар аёл раҳбарларининг 14-саммити, ушбу халқаро форумлар доирасида қабул қилинган тегишли Бухоро ва Тошкент декларациялари нафақат БРМга эришиш, балки ушбу жараёнларда парламентларнинг ролини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Парламент, шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар, жамият ва давлатимизнинг тараққиётига оид яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган стратегия ва дастурларнинг "Инсон кадри, манфаатлари — ҳамма нарсадан устун" деган тамойил ҳамда инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтириш, "миллий БРМга йўналтирилган бюджет" қабул қилиш, соҳада ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Олий Мажлиснинг дунёдаги 179 миллий парламентни бирлаштирган Парламентларо Иттифоқдаги вакиллари фаолияти ҳам ушбу вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Учинчидан, 2022 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2022 йил 14 декабрдаги "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларо ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюциясини амалга ошириш чоралари ҳақида"ги Қўшма қарори қабул қилинди.

Қўшма қарор, жумладан, ушбу БМТ резолюциясида ва 2022–2026 йилларга



фан, соғлиқни сақлаш, экология, ижтимоий ҳимоя каби соҳаларда маҳаллий жамоаларнинг фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Бу борада Янги Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган "очиқ бюджет" сиёсати нафақат халқимиз, шунингдек, халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак баҳоланаётганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда дунё мамлакатларида кузатилаётган "ҳеч кимни ортда қолдирмаслик" ғоясига асосланган инклюзив сиёсат юритиш, масъулиятли, самарали ва ҳисобдор институтиларни яратиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, парламент ва жамоатчилик назорати ҳамда ижтимоий ҳамкорликни жадал ривожлантириш, бу борада жамиятда ҳамфурқликка эришиш БРМларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарур ва муҳим шартларидандир.

Президентимиз ташаббусининг юксак эътирофи

Биринчидан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан мазкур "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюция бир овоздан қабул қилиниши Президентимиз ташаббусининг халқаро эътирофидир. Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги тақлифлари асосида БМТ Бош Ассамблеясининг 10 дан зиёд тегишли резолюцияси қабул қилиниши — Президентимизнинг халқаро ҳуқуқ соҳасидаги ташаббуслари натижасидир.

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларига эришишда парламент, ижроия ҳокимияти ва фуқаролик жамияти институтиларининг самарали ижтимоий ҳамкорлик ўрнатишга йўналтирилган.

Қўшма қарор билан 13 йўналиш бўйича 50 дан зиёд аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган "Йул харитаси" тасдиқланди. Унда, хусусан:

• нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтиларини миллий Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга жалб қилиш, тегишли йўналишларда давлат ижтимоий бюртимасини жойлаштириш ҳамда давлат гранти танловларини эълон қилиш;

• глобал ва миллий БРМга эришиш, резолюциянинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда "Йул харитаси" доирасида эришилган натижалар ҳақида миллий ва халқаро жамоатчиликнинг хабардор қилиб бориш каби устувор вазифалар белгиланган. Бир сўз билан айтганда, мазкур Қўшма қарор Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган "инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқлараро давлат барпо этиш" тамойили билан уйғундир. Парламентларо Иттифоқ (ПИ) БМТнинг ушбу резолюцияси ва мазкур Қўшма қарорни нафақат ижроия ҳокимияти, балки вакиллик ва суд ҳокимиятлари, фуқаролик жамияти институтилари ва бизнес ҳамжамиятининг БРМга эришишдаги ҳамкорлиги ва биргаликдаги ҳаракатига асос бўлишини алоҳида таъкидламоқда. Шу

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган БМТ РЕЗОЛЮЦИЯСИ ҲАМДА ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ҚЎШМА ҚАРОРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ҲАЁТИДА, ЖУМЛАДАН, ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ИШТИРОКИ БОРАСИДАГИ КОНСТИТУЦИЙВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПАРЛАМЕНТ, БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА ТИЗИМЛИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.



муносабат билан уларни жорий йил сентябрда бўлиб ўтадиган БРМ бўйича дунё саммитига тайёрларлик йўлидаги муҳим асос сифатида баҳолаб, БМТ ва ПИнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатишни мўлжалламоқда.

Тўртинчидан, мазкур давра суҳбатининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уни ташкиллаштириш ташаббуси айнан фуқаролик жамияти институтилари томонидан илгари сурилди ва парламент томонидан қўллаб-қувватланди.

Давра суҳбати натижасига кўра, фуқаролик жамияти институтилари ўртасида ҳамда фуқаролик жамияти институтилари билан давлат ташкилотлари ўртасида соҳадаги ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги меморандумлар имзолашни назарда тутилган.

Яъни БРМга эришиш ва Тараққиёт стратегияси, Қўшма қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда парламент, фуқаролик жамияти институтилари, ижроия ҳокимияти органлари — тегишли вазирлик ва идоралар, бизнес ҳамжамиятининг яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш

Масалан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати, "Тараққиёт стратегияси" маркази, Барқарор ривожланиш маркази каби қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий БРМга эришиш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ҳаётга татбиқ этишга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистонда "Инсон кадри, манфаатлари — ҳамма нарсадан устун" деган тамойил асосида амалга оширилаётган ислохотлар инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ғоясига асосланган, 2030 йилгача бўлган даврда мамлакатимизнинг Глобал кун тартиби ҳаётга татбиқ этилишига ҳам хизмат қилади.

Биринчидан, Қўшма қарорда, хусусан, фуқаролик жамияти институтиларининг:

• 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни изчил амалга



БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТОМОНИДАН МАЗКУР "БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ПАРЛАМЕНТЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ РЕЗОЛЮЦИЯ БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИДИР.

белгиланган. Бу, ўз навбатида, ушбу институтиларнинг юртимиз барқарор ривожланишини таъминлаш борасидаги роли, аҳамияти ва масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Қўшма қарордаги вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши (фуқаролик жамияти институтилари мисолида)

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти институтилари Президентимизнинг ушбу ташаббусларини ва Қўшма қарорда белгиланган вазифаларни нафақат қўллаб-қувватламоқда, балки уни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этмоқда.

оширишга фуқаролик жамияти институтиларини кенг жалб қилиш, улар фаолияти ташкилий-ўқувчи ва ахборот жиҳатидан доимий равишда кўмаклашиш;

• барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда инсон кадри, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид халқаро индикаторларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур ўрганиш асосида Ўзбекистоннинг турли халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш борасида тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш ва Парламент комиссиясига киритиб бориш;

• 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар доирасида амалга оширилаётган ишларни чуқур таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимлари бўйича тақлифлар

ишлаб чиқиш ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

• барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг ижро этилиш ҳолати тўғрисида кенг жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини ошириш;

• 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тайёрланган ИХТИЁРИЙ МИЛЛИЙ ҲИСОБОТЛАР УЧУН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ МУҚОБИЛ МАЪРУЗАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАБ БОРИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси илк марта "Барқарор ривожланиш соҳасида Глобал кун тартиби — 2030 ни амалга ошириш тўғрисида"ги ИХТИЁРИЙ МИЛЛИЙ ҲИСОБОТИНИ (ИМХ) тақдим этган бўлса, жорий йилда иккинчи ИМХ тақдим этилиши кутилмоқда.

Иккинчидан, Қўшма қарорда белгиланган вазифалар асосида Барқарор ривожланиш маркази Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун глобал ҳаракатлар кампаниясига (UN SDG Action Campaign) қўшилди.

Ушбу UN SDG Action Campaign мамлакатлар, минтақалар, мақсадлар ва ҳудудлар кесими бўйича Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун йўналтирилган ҳаракатларни қайд қилади ва дунёнинг глобал харитасида акс эттиради. Бу, ўз ўрнида, жамоавий ҳаракатлар бутун дунё бўйлаб катта ўзгаришларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиши учун БМТнинг асосий ютуқлари ҳақида ҳисобот беришга имкон яратди.

2022 йилда дунё бўйлаб БРМларга эришиш учун 142 миллион ҳаракатлар глобал #Act4sdg ҳафталигининг бир қисми сифатида амалга оширилди. Бу эса, албатта, БРМга эришишни жадаллаштириш бўйича сазой-ҳаракатларга ижобий таъсир кўрсатган ва 142 миллиондан зиёд инсон сайёраимиз ҳаётини ўзгариштиришга хизмат қилганидан далолат беради.

Учинчидан, ушбу давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори 12-бандида белгиланган мамлакатимизда "Инсон ҳуқуқлари" ҳафталигини ўтказиш бўйича дастур доирасида бўлиб ўтмоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу соҳада ҳам фуқаролик жамияти институтилари ва давлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик ривожланаётганидан далолат беради.

Тўртинчидан, Барқарор ривожланиш маркази томонидан Ф.Эберт фонди кўмағида "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтиларини жалб қилиш орқали жамиятнинг барқарор ривожланиш мақсадларига ҳақида хабардорлигини ошириш" тадқиқоти ўтказилди ва унинг натижалари давра суҳбатида тақдим этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган БМТ резолюцияси ҳамда парламент палаталари кенгашлари Қўшма қарори мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётида, жумладан, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштироки борасидаги конституцийвий ҳуқуқларини таъминлашда парламент, барча даражадаги вакиллик ҳокимияти органлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтиларининг роли ва аҳамиятини ошириш борасида тизимли ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

66

2022 йил ЯКУНЛАРИГА КўРА, "XARID.UZEX.UZ" ДА ЖАМИ 36,7 ТРИЛЛИОН СўМЛИК 1 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД БИТИМ ТУЗИЛДИ. УЛАРНИНГ ҲАЖМИ 2021 ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН 3,3 БАРОБАР ўсди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ АЛИФБОСИ

Бунни яхши билиш ва амалда қўллаш қандай самара келтиради?

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржасида миллий ва хорижий компанияларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юқори ликвидли товар активлари, жумладан, қора ва рангли металллар, нефть-кимё маҳсулотлари, шаклар, ундон ва бошқа товарларнинг олди-сотдиси амалга оширилади. Айрим вазиятларда юртимизнинг ички ишлаб чиқариш салоҳияти ўсиб бораётган талабни тўлақонли қондириши етарли бўлмай қолган тақдирда ушбу маҳсулотни импорт қилиш масаланинг ижобий ечимларидан бири, баъзида эса ягона йўли ҳисобланади. Бу масалани ҳам шаффоф ва тезкорлик билан ҳал этишда биржа ёрдамга келади.

Тахлилчилар ибораси билан айтганда, биржа — бозор иқтисодиётининг алифбоси. Уни яхши билиш, самарали фойдаланиш доимо фойда келтиради.

ВАҚТДАН ВА НАҚДАН ЮТИШ ЙЎЛИ

Асл илдизи юнончага бориб тақаладиган логистика сўзи ҳисоблаш, муҳокама санъати, деган маънони англатади ва математик мантиқ тушуқчининг синоними сифатида қаралади. Бироқ бугунги даврга келиб, унинг моҳияти ва қамров даражаси янгича мазмун касб этган, ақсар ҳолда транспортда юк ташиш инфратузилмасини ўзида мужассам этади.

Ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожланишида бу тизимнинг аҳамияти катта. Чунки логистика ички бозорда тайёр маҳсулот ва хонашэ харакатини оптималлаштириш орқали товар ва хизматларнинг харидорлар учун қулай шароит ва арзон нархларда етказиб берилишини таъминлайди, бозордаги рақобатни рағбатлантиради. Ҳисобикитобларга кўра, транспорт сектори киритилаётган сармояларнинг 1 фоиз оширилиши юк ташиш ҳажмининг 0,94 фоиз орттишига имкон яратади.

Президентимизнинг 2021 йил 17 мартдаги "Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, монопол ва давлат иштирокидаги ташкилотлар томонидан биржа савдоларида сотилаётган маҳсулотларни авторанспортда ташиш хизматлари фақат электрон логистика савдо портали орқали аукцион тартибида амалга оширилиши белгиланган. Савдолар якуни бўйича гоилиб юк ташишнинг тўлаш автоматик равишда амалга оширилади.

Хужжат ижросини таъминлашга ўша йил 1 сентябрдан киришилди. Айни пайтда логистика порталида фойдаланувчилар электрон тизимда рўйхатдан ўтказиш ҳам йўлга қўйилди. Хусусан, ҳозирги кунга келиб, тобора такомиллашиб бораётган порталда

4 минг 842 юк ташувчининг 68 мингга яқин юк машинаси тўғрисидаги маълумотлар юк олган.

2022 йилда биржанинг мазкур порталида қиймати 12,8 миллиард сўмлик 7,4 мингдан зиёд шартнома тузилди. Улар асосида 3 минг 702 буюртмачига 12,5 миллиард сўмлик ташиш хизматлари кўрсатилди. Бунинг натижасида улар томонидан 1,5 миллиард сўм иқтисод қилиниши таъминланди.

Яқинда савдо иштирокчилари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида порталнинг "E-logistics" мобил иловаси тест режимда ишга туширилди.

— Мазкур илова орқали фойдаланувчилар логистика порталида амалга оширилаётган барча электрон савдоларга тегишли бўлган жараёнларни бошқариш, буюртмаларга нарх тақлифларини бериш, зарур маълумот ва шартномаларни юклаб олишлари мумкин, — дейди Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржаси "UzEx Innovation" шўба корхонаси директори Жасур Юнусов. — Янги савдо иштирокчилари учун электрон рақамли имзо орқали онлайн тарзда рўйхатдан ўтиш имконияти ҳам яратилган.

Бундан ташқари, юк ташувчилар иловасида ёқилги қуйиш шохобчалари ва бошқа зарур хизмат кўрсатиш объектлари манзилларини акс эттирувчи интерактив харитадан фойдаланишлари ҳам мумкин. Ўз навбатида, тизимда рўйхатдан ўтишни истаганлар мобил иловадан фойдаланган ҳолда, порталга жойлаштирилган буюртмалар шартлари билан тўлиқ танишиш, харитада тегишли йўналишларни кўриш ва амалга ошган битимлар ҳақида маълумот олиш ҳамда миқозларни қўллаб-қувватлаш маркази билан боғланиш имкониятига эга.

Тез орада юк ортилган транспорт воситалари харакатланишини мобил илова орқали онлайн кузатиш хизмати ишга туширилиши кутилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ КАФОЛАТЛАРИ

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 17 май кунини товар-хонашэ биржасида савдоларни қўлайтириш, маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш бўйича ўтказилган йўналишда йил якунига қадар унга ўз маҳсулотини олиб чиқадиган маҳаллий тадбиркорлар сонини камида 2 баробар, маҳсулотлар турини эса 5 баробар ошириш вазифасини қўйган эди.

Бу вазифа ортиги билан бажарилди. Республика бўйича 1 минг 249 корхона томонидан (2022 йил бошига нисбатан ўсиш 3,7 баробар) 1 минг 220 турдаги (ўсиш 5,2 баробар) монопол ва юқори ликвидли бўлмаган маҳсулотлар биржа орқали сотилди.


Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдулла Рўзметовнинг қайд этишича, ўтган йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда мавжуд 45 мингдан зиёд маҳаллий саноат корхонасининг бор-йўғи 3 минг 600 таси биржага

маҳсулот чиқариб келган. Албатта, бу жуда кам. Шу боис, маҳаллий маҳсулотларни биржа савдоларида чиқариш тартиби соддалаштирилди.

Яъни ўтган йил 1 июлдан биржада алоҳида истиқболли товарлар секцияси ташкил этилиб, маҳаллий тадбиркорларнинг ўз маҳсулотини ортиқча ҳужжатларсиз сотиши йўлга қўйилди. Энг яхши сотилган товарлар кейинчалик биржанинг асосий савдо майдонларига

эркин бозор нархларида сотишлари мумкин. Ҳар йили жаҳон бозори, биржа нархларидан келиб чиқиб, галлага тавсиявий нарх ишлаб чиқилади.

Ўтган йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 926,7 минг тонна бугдой биржа савдолари орқали сотилди. Шу жумладан, 7,7 мингдан ортиқ фермер ва бошқа бугдой етиштирувчилар 545 минг тонна бугдойни биринчи марта очик биржа савдоларида сотди.



QR-кодини сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

жойлаштириладиган бўлди. Маҳаллий тадбиркорлар маҳсулотлари учун биржа тўловлари 2 баробар қисқартирилди, солиқларнинг томонидан тадбиркорларнинг биржа орқали сотилган ёки харид қилинган товарлари бўйича қўшимча ўрганиш ўтказилмади.

Ушбу, бу чоралар амалда қандай натижа берди?

— Ўтган йили биржамизда 100 мингдан зиёд янги миқоз рўйхатдан ўтди ва улар сони 2021 йилдагига нисбатан 1,5 қарра қўлайди, — дейди Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Зулфиддин Камоллов. — Айни пайтда тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча қулайликлар яратилиши натижасида улар томонидан биржада сотилаётган маҳсулотлар сони ва ҳажми ҳам ўсди. Масалан, тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини биржанинг истиқболли товарлар секциясида сотиш тартиби соддалаштирилгани боис, бу йўналишда 1,1 триллион сўмлик 198 турдаги янги маҳсулот сотилишига эришилди.

Президентимизнинг 2022 йил 28 майдаги "Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ун маҳсулотлари ўша йил 1 июндан, бугдой эса 1 июлдан бошлаб очик биржа савдолари орқали сотилиши белгиланган эди.

Табиийки, ғалла бозори эркинлаштирилиши фермерлар учун янги имкониятлар эшигини очди. Қарор бўйича сугориладиган ернинг ҳар бир гектаридан 2,5 тоннадан бугдойни биржа орқали сотувга чиқариш белгиланди. Бу 500 минг тоннани ташкил этади. Етиштирилган ҳосилнинг давлат буюртмасидан ортиқча қисми фермер, кластерлар ихтиёрида қолади. Улар бу бугдойни

— Бу фермер ва кластерларнинг эркин бозор "меvasи"ни тота бошлаганини кўрсатади, — дейди Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржаси бош мақлари Исомбек Ибрагимов. — Чунки улар давлат буюртмасини бажаргандан кейин ўзларида қолган ғаллани брокерлар орқали биржага қўйиб келишда давом этмоқда. Қолаверса, бугдойни сотишда фермерлар биржанинг комиссия йиғими ва гаров маблағлари тўловидан озод этилган.

Ун маҳсулотининг "Ўздонмаҳсулот" АЖ корхоналари томонидан очик биржа савдоларида қўйилиши ва сотилиши ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин.

— Президентимизнинг 2022 йил 28 майдаги қарорига мувофиқ, 1-навли ун маҳсулоти "Ўздонмаҳсулот" АЖ корхоналари томонидан очик биржа савдоларида қўйилиши ва сотилиши белгиланди, — дейди Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржаси бошқаруви раиси маслаҳатчиси Мансур Тўйчиев. — Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўтган



йилда жами 860,7 минг тонна урни биржа савдолари орқали сотди.

Товар бозорларида нархларни мўътадил ва барқарор ушлаб туришнинг энг самарали усули бозор воситалари ва механизмларидан фойдаланишдир. Биржа эса мана шундай бозор механизми вазифасини бажаради.

Ун ва бугдой бозоридида тақлиф даражаси етарли бўлгани сабабли биржанинг ушбу бозорларида нархлар барқарорлиги сақланмоқда. Ўтган даврда ушбу икки маҳсулот бўйича биржада шаклланган ўртача нархларнинг бошланғич қийматлари нисбатан ўсиши ўртача 1-3 фоиз атрофида қайд этилди.

2022 йил давомида биржанинг бошқа товар сегментларида ҳам барқарор ҳолат сақланиб турди. Хусусан, мис, полиэтилен, полипропилен ва суолтирилган газ маҳсулотларининг ўртача сотилиш нархлари 2021 йилдагига нисбатан деярли ошмади.

Айни пайтда биржада пахта толасининг ўртача нархи ўзининг максимал даражасига нисбатан 43 фоиз, пахта ёғи ҳам шунча фоиз, шаклар — 30, сульфат аммоний, техник чигит — 28, қора металл — 16 ва бугдой 5 фоиз пасайди.

Биржа савдоларида нафақат ички бозорлар, балки хорижий корхоналар иштирокида ҳам битимлар тузилди. Бунинг учун 2022 йилда Польша, Туркия, Озарбайжон ва Тожикистон каби мамлакатларда биржанинг янги хорижий савдо майдончалари очилиб, уларнинг сони 34 тага етказилди.

Натижада ўтган йили Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржасида 501,3 миллион долларлик ташқи савдо битимлари тузилди. Шу жумладан, Қозғистонда ташқи қилинган 7 та савдо майдончаси орқали 905,2 минг тонна бугдой ва 224,1 минг тонна ун маҳсулотлари сотилди.

Бундан икки йил олдин давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ҳамда буюртмачи ва етказиб берувчиларнинг бу соҳада иштирокини соддалаштириш мақсадида биржа давлат харидлари электрон тизимининг оператори сифатида "xarid.uzex.uz" савдо тизимини ишга туширди.

Унда давлат харидларининг барча турлари бирлаштирилди ва маҳсулотларнинг ҳамма параметрларини акс эттирувчи товарлар ва хизматларнинг ягона классификатори жорий қилинди.

— Давлат буюртмачилари ва етказиб берувчилар учун биржанинг давлат харидлари бўйича "etender.uzex.uz" электрон савдо тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан 15 фоиз миқдорда преференция қўллаш ва тузилган шартномаларга қўшимча келишув тузиш имкони яратилган, — дейди Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржаси матбуот хизмати раҳбари Хикматулло Тиллабоев. — Мазкур тизимда миқоз ва иштирокчи ўртасида очик электрон чет ҳамда битимлар бажарилишини кафолатлаштириш закалат маблағлари билан бирга гаров ёки кафилий шаклида таъминлаш бўйича янги тартиб ҳам қўлланилган.

2022 йил якунларига кўра, "xarid.uzex.uz"да жами 36,7 триллион сўмлик 1 миллиондан зиёд битим тузилди. Уларнинг ҳажми 2021 йилдагига нисбатан 3,3 баробар ўсди.

Давлат харидлари бўйича ўтказилган электрон савдолар натижасида бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг маблағлари тежаллиши 2021 йилдагига нисбатан 3,4 баробар ўсиб, 5,8 триллион сўмни ташкил қилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, "avtoqaqam.uzex.uz" электрон савдо тизимида 304,1 миллиард сўмлик 118 мингдан зиёд авторакам шаффоф онлайн аукционлар орқали сотилди.

Президентимизнинг 2022 йил 24 ноябрдаги "Иқтисодиёт тармоқларида биржа механизмларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳамда биржа савдоларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш доирасида хорижий экспертлар ва консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон республика товар-хонашэ биржасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Унда биржанинг янги электрон биржа савдолари ва клиринг тизимларини жорий этиш, давлат харидлари, электрон тижорат ва электрон логистика порталларини такомиллаштириш режалаштирилган.

Тадбиркорларнинг биржа савдолари ва давлат харидларида иштирок этишини енгиллаштириш, биржа орқали сотилаётган маҳсулотлар рўйхатини ва халқаро ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, экспорт-импорт савдо ҳажмларини ошириш ишлари изчил давом эттирилади.

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР



2005 йили Фарғона политехника институтини аъло баҳоларга тамолаб, бир мuddат Қўқон қурилиш лойиҳа институтида ишлади. Замонавий бино ва иншоотлар лойиҳасини яратиш ва таъмирлаш борасидаги изланишлар уни янги мақсадлар сари етаклади. Шу мақсадда мустақил равишда компьютерда турли эскиз ва лойиҳалар яратиш ҳамда дизайн-ерлик иш услубларини ўрганди.

Дастлаб иқтисодий таназзулга учраган матбаа корхонасидаги ускуналарни сотиб олиб, "EuroPrint" масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Уч киши билан турли ёрлик ва ўқув дафтарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Турдощ корхоналарга бориб, ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиди, иш ўрганди, хизмат кўрсатиш, хонашэ масаласида ишончли ҳамкорлар топди.

Бу ўзига хос ишбилармонлик муҳитини яратган ёш тадбиркор иш фаолияти билан боғлиқ илк хотиралар. Айни

ИЗЛАНИШЛАР БЕСАМАР КЕТМАДИ

Қўқонлик тадбиркор Аюбхон Позилов бу йил қирқ ёшга кириб қаршилади. Ўтган йилларда унинг ҳаётида ўзига хос воқеалар кўп бўлди. Тақдир синовларида тобланди. Ҳалол меҳнати ва изланишлари туфайли кўпнинг назарига тушди.

кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган юз турдан ортиқ ёрлик ва қадоқлаш маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда хариддорлар.

— Матбаачилик йўналишида таълим олганман. Бироқ ўз касбин бўйича ишлаш учун жой йўқ эди, — дея хотирлайди иш бошқарувчи Абдуллоҳ Мадалиев. — Ақсарият босмаҳоналар хонашэ тақчиллиги, маънавий эскирган ускуналар билан бозор тамойилига мослаша олмасдан қийналарди. Уйимизга яқин ҳудудда янги корхона ташкил этилганини эшитиб, ишга келганимга ҳам беш йилдан ошди. Нафақат ўзим, балки маҳалламиздаги юзлаб хотин-қизлар ҳам ишли бўлди. Икки сменада иш ташкил этилган. Меҳнат стажи, бепул иссиқ овқат, узокдан келиб-кетувчилар учун транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Ишлаш шу тариха аста-секин юриша бошлади. Меҳнатга яраша даромад ҳам олинди. Бу имкониятлар ёш тадбиркорни янги гоё ва мақсадлар сари етаклади.



Ўқиш ва изланишга чорлади. Матбаачилик соҳаси ривожланган Европа мамлакатларидан замонавий ишлаб чиқариш ускуналари ва хонашэлар олиб келди. Натижада катта ҳажм ва кўринишдаги қадоқлаш кутилари ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Эндиликда нафақат ёрликлар, балки музлаткич, телевизор, чанготиқч, ҳаво совиткич, кир ювиш машинаси сингари маший-техника воситалари учун ҳам қадоқлаш ва химоя кутилари тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган пиширилган қадоқлаш учун зарур бўлган кутиларни хориждан олиб

ва сабзавот етиштириш, қайта ишлаш йўналишида "Ширин боғ" кластер фаолияти йўлга қўйилди. Кластер боғбон ва фермерлар билан тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот харид қилиб олади, қайта ишлайди, экспортга чиқаради.

— Олдий хонашэлардан қўшимча қиймат занжирини яратиш асносида маҳсулот ишлаб чиқариш янги иш ўринларини яратиш амалларида қўл келмоқда, — дейди А.Позилов. — Масалан, олма меvasи пишиқчилик мавсумида нари борса, минг сўмга сотилади. Уни қайта ишлаб, яъни қоқи қилинса, маҳсулотни юз баробар қийматга сотиш мумкин. Чунки кўшли заминимизда етиштирилаётган сархил меваларимизга дунё бозоридида талаб юқори. Ўтган йилнинг ўзида Европа мамлакатларига 2 миллион долларга яқин қурилиш амалга ошириди. Ҳозирги кунда олма ички ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Маҳсулотларни Қозғистонга сотаямиз. Германияликлар табиий ва ширин меваларимизни харид қилиш истагини билдирмоқда. Шу мақсадда янги боғлар яратиш борасида иш олиб бораёмиз. Бу бир вақтнинг ўзида 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш имкониятини беради. Мақсад ва режаларимиз кўп. Аввало, мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар янги лойиҳалар устида ишлашга ундамоқда. Хусусан, тадбиркорга ўзи экспорт қилган маҳсулот қийматида жиҳоз ва хонашэлар харид қилишда божхона имтиёзлари берилган фаолиятимизда қўл келмоқда. Жорий йилда "Қўқон" эркин иқтисодий саноат

зонасида умумий қиймати 5 миллион долларга тенг янги қадоқлаш ва химоя кутилари ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушираёмиз. Натижада маҳсулот турлари кўпаяди, ишлаб чиқариш ҳажми икки ҳиссасга ортади. Юздан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Фақат буғина эмас. Тадбиркор сый-ҳаракати билан буғина қадар меҳмонхона хизмати, қурилиш, табиий диагностика, лаборатория йўналишида тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 500 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Ишлаб чиқаришга жалб этилган инвестициялар миқдори 10 миллион доллардан ошди.

Юрт тараққийти, эл фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган ёш тадбиркор сый-ҳаракати бесамар кетмади. 2017 йили Президентимиз фармони билан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Изланивчан, кўпга нафи тегаётган тадбиркор вилоят, республика ва халқаро саноат кўрғазмалари ҳамда кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келади.

Сирасини айтганда, Янги Ўзбекистон ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш замондошларимиз эзгу ташаббуслари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Уларнинг фидокорона меҳнати билан шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бўй кўрсатиб, аҳоли бандлиги таъминланган. Мўҳими, бундай ишларга бош бўлиб, кўпнинг қорига яраётган тадбиркорлар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ЎЗАРО МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ИЛДИЗЛАРИ

ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ

Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги халқаро ҳамкорлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Мисрда яшаб ижод этган улуг бобомиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мероси эса икки халқ ўртасидаги азалий дўстликнинг ёрқин рамзига айланган. Улуг аждодимиз Нил дарёси ўзанида жойлашган Рода оролида сувнинг ҳажми ва тезлигини ўлчайдиган иншоот — ниломер, яъни "Миқёси Нил"ни яратди. Қоҳирада Нил бўйида Аҳмад Фарғоний шарафига ўрнатилган ҳайкал икки халқ ўртасидаги қадимий дўстлик ришталарининг азалдан мустаҳкамлиги рамзи ҳисобланади.



Мисрнинг "Йилнинг энг яхши олими" сертификати

Ўзбекистон давлат хореография академияси доценти, фалсафа фанлари доктори Хулқаро ҲАМРОЕВА:

— Ўзбек санъати, маданияти, адабиёти ва шеърини ҳамisha дунёни ўзига оҳанрабодек тортиб келган. Бугун ҳам маданиятимиз, адабиётимизга қизиқиш нихоятда кучли. Мисрда бир неча бор қилган сафарларимиз давомида бунга кўп бора гувоҳ бўлдим. Қоҳира шаҳридаги "Тағрид Фаёд" адабий уюшмаси таклифига биноан, 2021 йил эида бир гуруҳ ижодкорлар билан Мисрда ўтказилган халқаро анжуманда қатнашдик. Инглиз ва араб тилларида нашр этилган "Ўзбек адабиёти ва санъати антологияси" асари тақдиротида ҳам иштирок этдик.

2021 йил декабрь ойида Мисрда навбатдаги сафаримиз давомида Қоҳира университетидеда инглиз ва араб тилларида нашр этилган "Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари" антологияси тақдиротини ўтказдик. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси ходимлари ва журналистлар иштирок этган халқаро анжуманда араб ва

даврда халқларимиз танлаши лозим бўлган йўлни асрлар олдин аждодларимиз ўз тақдирлари ила кўрсатиб ўтган. Ислол қалқони, дея таърифланадиган Жалолиддин Мангуберди мусулмон оламига катта фалокат олиб келган мўғулларга қарши 10 йиллар давомида ғалабали курашлар олиб борди. Фақатгина унинг бевақт халокати сабабли мўғулларни буткул тўхтатиб қолишнинг иложи бўлмади. Бироқ унинг издошлари мусулмон дунёсини мўғуллардан сақлаб қолиш йўлидаги курашларини давом эттирган. Улар орасида Жалолиддин Мангубердининг сиёфати Сайфиддин Қутуз Миср султони жиёфатида тахтага ўтирганидан сўнг минтақадаги араблар, туркийларни бирлаштириб, мусулмон дунёсининг сўнгги таянчи Миср ва Арабистон арир ороли сари илдамлаётган мўғулларнинг энг илғор кўшинини тор-мор қиладди.

Бу воқеа 1260 йилда бугунги Фаластин ҳудудида Айн-Жалут майдонида содир бўлади. XIII асрда яшаган тарихчи Қутбиддин ал-Йунунийнинг ёзишича, Сайфиддин Қутуз жанг тугагач, "Мен мўғулларни мағлуб этдим, амаким Жалолиддин Хоразмишох учун қасос олдим", деган экан. Ғарб олими Артур Гольдшмидт "Сайфиддин Қутузнинг бу ғалабаси мусулмон Африкасини мўғуллар зулмидан сақлаб қолди", дея таъкидлаган эди.



Дунё илм-фанига кўшилган беқиёс ҳисса

Қоҳира университети профессори доктор Тағрид ФАЁД ХОНИМ:

— Ўзбекистон гўзал мамлакат. Аждодларингизнинг дунё илм-фанига қўшган ҳиссаси беқиёс. Мисрликлар Африка қитъаси ва Яқин Шарқ илм-фани ҳамда маданияти ривожига катта ҳисса қўшгани каби ўзбекларнинг ҳам Марказий Осиёдаги ўрни беқиёс. Бу икки халқ тарихи ва тақдирини ўхшаш. Ушбу заминлардан етишиб чиққан етуқ алломалар, буюк қаҳрамонларнинг ислом маданияти тарихидаги роли катта. Марказий Осиёда илк давлатчилик ўчоқлари худди Нил дарёсининг қуйи оқимида кўхна Миср давлатчилиги шаклланигани сингари сунъий сўғориш бирмунча қўлай бўлган Амударёнинг қуйи ва ўрта оқимларида ривож топди.

Тарихнинг муайян вақтларида аждодларингиз Мисрда ҳокимлик қилди, амир, қўшинга кўмондон бўлди, улканинг сиёсий-идоравий, ижтимоий-маданий ҳаётида кўп нуфузли мавқеларни эгаллади. Бунга мисоллар жуда кўп. Аббосийлар халифалиги даврида бухоролик Аҳмад ибн Тулун ва унинг ўғли Хуморвия Мисрда мустақил Тулунийлар сулоласига асос солган эди. Фарғоналик Муҳаммад ибн Тоғоч ибн Жаф эса Мисрда Ихшидийлар сулоласига асос солган. Мисрда мамлуқлар давлати ташкил этилишида ҳам ўзбек халқининг миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангубердининг издошлари, жумладан, унинг қариндoshi Сайфиддин Қутузнинг ўрни бор. У Мисрда султон бўлганидан сўнг бу юртни мўғуллар балосидан сақлаб қолади.

Ўзбек заминидан чиққан алломаларни ҳам мисрликлар жуда яхши билади. Ал-Фарғонийнинг ўрта асрларда Нил дарёси сатҳини ўлчайдиган фойдаланиладиган "Миқёси Нил" иншооти яқин-яқинларгача ишлаб келган. Ал-Аҳзар университетидеда ҳанузгача Маҳмуд Замаҳшарийнинг "Ал-Қашшоғ" асари ўқитилди.

Шунингдек, "Мадорик ут-танзил ва ҳақойиқ ут-таъвил" асари муаллифи Абул Барақот Насофий Мисрнинг маърифий ҳаётида катта ўринга эга бўлган. Умуман олганда, аждодларимиз нафақат ўз минтақалари, балки бутун мусулмон дунёси илм-маърифати ва давлатчилигига беқиёс ҳисса қўшган.

Афсонавий диёр

Ўрта асрлар тарихига оид илмий тадқиқотлар муаллифи, Республика Маънавият ва маърифат маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Бекзод АБДИРИМОВ:

— Миср биздан нихоятда олис, эҳромлар ва битикларга тўла афсонавий ўлка сифатида тасаввуримизда гавдаланади. Аслида, ўзбек миллати билан Миср диёрининг тарихи ва тақдирини ўхшаш. Уларнинг ўтмиш деб аталмиш улкан бир манзилда йўллари доимий туташ бўлган, бўлганда ҳам инсониятга илму маърифат тарқатиши, озошлик ва эрк учун курашиши, бунёдкорлик ва эзгулик йўлларида бирлашган. Бу халқлар ҳамisha елкама-елка бир сафда турган, бир-бирига суянчлик ва маддакор бўлган.

Бугун дунё эзгулик ва ёвузлик, билашиш ва айирмачилик, адолат ва зулим, қадрият ва оммавий маданият каби абдий муҳолиф кучлар муҳорабасига аввалгидан-да чуқур шўнгиган. Ана шундай бир

Собиқ иттифок даврида биз буюк аждодларимиз тарихини бор бўйи-басти билан ўргана олмас эдик. Урганишга ҳаракат қилганлар турли бўхтон ва айбловлар билан таъқиб остига олинди. Фақат мустақилликдан сўнг қаҳрамон аждодларимиз тарихини ўрганиш борасида кенг қўлмалли ишлар бошланди. Эътиборли жиҳати, Миср тупроқларида илк маротаба эрк ва озошлик йўлида муросасиз кураш ҳамда жасорат тимсоли бўлган Жалолиддин Мангубердининг ибратли тақдирини саҳнашатирилгани, Сайфиддин Қутуз ҳақида XX асрнинг ўрталаридаёқ кинофильмлар тасвирга олингани икки миллатнинг тафаккури ва хотиралари азалий узвий боғланганини кўрсатади.

Миср кутубхоналарида ҳам тарихимизга оид ноёб асарлар мавжуд. Биз сўнгги икки йилда мисрлик тарихчилар — Салим Сабрийнинг "Хоразм турклари ислом Шарқида (1231-1246)", Саллобийнинг "Сайфиддин Қутуз ва Айн Жолут жанги" асарларини ўзбек тилига таржима қилдик. Шунингдек, айни вақтда Сибт ибн ал-Жавзийнинг "Мироти аз-замон" асарининг тегишли қисмлари ўзбек тилига ўтирилмоқда. Узимизнинг илмий тадқиқотларимиз жараёнида "Икки буюк саркарда ёхуд Жалолиддин Қутузгача" номли монографиямиз нашрдан чиққан.

Айни вақтда ёш тарихчи олим Ғулмон Отажонов билан ҳаммуаллифликда Сайфиддин Қутуз ҳақида 3 тилдаги (ўзбек, инглиз, араб) китобимиз нашр этилиш арафасида.

Маданий алоқаларимиз ҳам кундан-кунга мустаҳкамланиб бормоқда. 2022 йилда биринчи марта Хоразмда ўтказилган халқаро "Лағзи" фестивалида мисрлик раққосанин "Танура" миллий рақси биринчи ўринни эгаллади.

Бугун Янги Ўзбекистон ва Мисрнинг замонавий тарихи ҳам яратилмоқда. Миср араб давлатлари орасида биринчилардан бўлиб мамлакатимиз мустақиллигини тан олган юрт сифатида тарихга кирган. Юртим олимларининг мисрлик илм аҳли билан илмий-ижодий ҳамкорлиги янаям ривож топиб бормоқда.



Ўзбек халқлари дўстлиги, илмий-ижодий ҳамкорлигига оид қизиқарли, мулоҳазали маърузалар тингладик. Тадбир доирасида ўзбекча рақслар ижро этилиб, дилтортар қўшиқлар ва шеърлар янгради. Айниқса, бахриятли мушоираси мисрликларда катта таассурот қолдирди.


2022 йил октябрда ҳам Мисрнинг Қоҳира ва Искандария шаҳарларида бўлди. Бу сафар Искандария университети доценти, доктор Манара Элдиеп томонидан "Араб тафаккури" нашриётида ўзбек адабларининг бир қанча асарлари инглиз ва араб тилларида чоп этилди. Ўзбекистон халқ шоири Анавар Обиджоннинг "Ватанжон", Аъзам Ухтамнинг "Азон", Минҳожиддин Мирзонинг "Шеър билан олам гўзал" шеърини тўпламлари, ёзувчи Шаҳодат Исахонованинг "Гавҳаршодбегим" тарихий романи, филология фанлари доктори, профессор Раъно Сайфуллаеванинг "Ўзбек жадид олимлари тил ва маънавият ҳақида", Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова билан ҳаммуаллифликда ёзилган "Лағзи": муҳаббат ва қалб рақси" монографиямиз шулар жумласида.

Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси ҳамда Искандария шаҳридаги Медиа университетида китоблар тақдиротини ўтказиш баробарида илмий анжуман ҳамда адабий-маданий учрашувлар, радиожурналистикадан маҳорат дарслари ҳам ўтказилди. Искандария кутубхонасига ўзбек олимлари ва ижодкорлариники китоблари тақдим этилди. Улар, айниқса, таниқли шоир ва таржимон Минҳожиддин Мирзонинг "Сохиққирон ёғдуси" достони ва тарихчи олим Бекзод Абдиримовнинг "Икки буюк саркарда ёхуд Жалолиддин Қутузгача" монографияларини катта қизиқиш билан қабул қилди, уларни араб тилига таржима қилиш истагини билдирди.

Ҳамкорликдаги ишларимиз юқори баҳолашиб, Миср илмий-адабий жамоатчилиги томонидан таниқли адибаимиз Шаҳодат Исахонова "Йилнинг энг яхши ёзувчиси", камина эса "Йилнинг энг яхши олими" сертификати билан тақдирландик. Биз Мисрнинг қайси шаҳрида бўлмайлик, ким билан суҳбатлашмайлик, улар Ўзбекистон ҳақида, тарихи ва тақдирини туташ ўзбек ва миср халқлари ҳақида жуда илқ фикрлар билдирди. Доимий ҳамкорларимиз доктор Тағрид Хоним ва доктор Манара хоним Ўзбекистон Президентининг одилона сиёсати, бунёдкорлик ислохотлари бутун дунёни ҳайратга солаётганини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда мисрлик ҳамкасбларимиз ҳам Ўзбекистонда ўтказилаётган халқаро конференция ва семинарларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, яқинда Ўзбекистон давлат хореография академиясига ўтказилган халқаро анжуманда доктор Манара Элдиепнинг "Миср ва Ўзбекистон маданий, адабий ва илмий алоқалари тарихига оид" номли маърузаси барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Улар билан илмий-ижодий ҳамкорлигимизни бундан кейин ҳам давом эттирамиз.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Гуличеҳра ДҮРДИЕВА ёзиб олди.



"ЭҲРОМЛАР ЎЛКАСИ"ДАГИ МУЛОҚОТЛАР

ИЛМНИНГ САРҲАДИ КЕНГ ЭКАНИНИ НАМОЁН ЭТДИ



Нодир АБДУЛЛАЕВ, Тошкент давлат шарқшунослик университетининг халқаро алоқалар бўйича проректори

Айни пайтда Миср олий таълим муассасалари араб дунёсидеда етакчи ўринларни эгаллаб келади. Шу маънода, кунни кеча Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири Иброҳим Абдурахмоновнинг Миср Араб Республикасига хизмат сафари доирасида олий таълим ва илмий тадқиқотлар вазири Айман Ашур билан музокаралар ўтказгани ҳамкорликда малакали мутахассислар тайёрлаш борасида янги имкониятлар очади.

Учрашув аввалида ўтган йилнинг октябрида икки давлат ўртасида илм-фан, тадқиқотлар ва инновацияларни ривожлантириш йўналишида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича имзоланган Англашув меморандуми доирасида қилинаётган ишлар хусусида фикр алмашилди. Шунингдек, ҳамкорликда 2023-2024 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси лойиҳасини муҳокама қилиб, имзолашга келишилди.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида олий таълим соҳасида, хусусан, араб тили ва араб адабиёти, исломшунослик, манбашунослик, Араб Шарқи мамлакатлари иқтисодиёти, фармакология, қишлоқ ҳўжалиги, ветеринария ва бошқа йўналишларда мустаҳкам алоқалар мавжуд бўлиб келган. Шу билан бирга, юртимизнинг қатор олий таълим муассасаларида араб тили бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Миср олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ўқитиш, фан ва инновациялар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, араб тили бўйича фан дастурлари, ўқув қўлланмаларини яратиш, замонавий технологиялар асосида араб тилини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, олимизда педагоглар учун ўқув семинарлари, малака ошириш курслари ташкил этиш, илмий-тадқиқот марказлари билан лойиҳаларни бажариш, араб тили, таржимонлик, тарихий ва адабий манбашунослик, туризм, халқаро журналистика каби соҳаларда кадрлар тайёрлаш вазифаси турибди.

Айни пайтда мазкур мутахассислик бўйича билим ва малакага эга шарқшунос-арабшуносларни тайёрлаш ва олий таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш долзарб бўлиб қолмоқда. Zero, дунё бўйича эътироф этилган QS World University Rankings, Times Higher Education каби нуфузли халқаро рейтингларда Айн Шамс университети, Қоҳира университети ва Искандария университети Миср олий таълим муассасалари ичида энг юқори кўрсаткичларга эга. Шу боис, мазкур университетлар фаолиятини ўрганиш ва тажриба алмашиш эътиборга лойиқ. Ҳозир улар Миср ва умуман, араб давлатлари олий таълим муассасалари миллий рейтингида 1-3-ўринларни эгаллаб келмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 16 апрелдаги "Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридеда белгиланган вазифалар ижроси доирасида шу йилнинг февраль ойи аввалида Тошкент давлат шарқшунослик университети делегацияси Миср Араб Республикасида бўлиб қайтди. Университет вакиллари олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан академик ва инновацион ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда алоқаларни ривожлантириш учун Қоҳира, Искандария шаҳарларидаги қатор нуфузли университетлар, илмий-тадқиқот муассасаларида мулоқот ўтказди.

Сафар давомида Айн Шамс университети, Қоҳира университети, Искандария университети, Хелвон университети, "Ал-Хивор" сиёсий ва медиа тадқиқотлари маркази вакиллари билан учрашувларда Ўзбекистон ҳаётининг барча жаҳасидаги кенг қўлмали ислохотлар, хусусан, кадрлар тайёрлашнинг янги тизими ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди. Жумладан, Миср Президентини Абдулфаттоҳ Ас-Сисининг 2018 йил сентябрда мамлакатимизга расмий ташрифи давомида давлатимиз раҳбари билан ўтказган музокаралари натижасида эришилган келишувлар икки мамлакат олий таълим муассасалари ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очгани таъкидланди.

Икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиши етишканде араб тили ва адабиёти, синхрон таржимонлик, тарихий ва адабий манбашунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладди. Zero, ҳозир Тошкент давлат шарқшунослик университетидеда 800 дан зиёд талаба араб тилини ўрганмоқда. Бу тил олий таълим муассасасидаги филология, тарих, халқаро муносабатлар, иқтисодиёт, туризм, фалсафа каби билим соҳаларига оид барча таълим йўналишлари ва мутахассисликларида ўқитилади. Университетдеда 30 дан зиёд ўқитувчи араб тилидан дарс бермоқда. Педагогларнинг 10 дан ортиги илмий даража ва илмий унвонларга эга.

Айн Шамс университетида ташкил этилган учрашувда асосий эътибор икки олий таълим муассасаси ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш ва ўзаро истиқболли йўналишларини белгилашга қаратилди. Мулоқотда араб тили ва адабиёти, таржимонларни тайёрлаш, адабиёт намуналарини икки тилга таржима қилиш, қўлёзмаларни ўрганиш, журналистика, туризм йўналишлари бўйича талабалар ва ўқитувчилар билими, малакасини ошириш, илмий журналларда ҳаммуаллифликда мақолалар чоп этиш, тарихий манбашунослик ва филология бўйича қўшма илмий лойиҳаларни яратиш соҳаларида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон буюк алломалар юрти эканлиги, кўхна тарихи ва бой маданий мероси билан алоҳида эътирофга муносиблги таъкидланди. "Бобурнома" асарининг араб тилига таржима қилинган нусхаси Тошкент давлат шарқ-

шунослик университети кутубхонаси учун тақдим этилди. Шунингдек, иккала ОТМ мутахассислари ҳамкорлигидеда ўзбек адабиёти йўналишларини араб тилига таржима қилиш ишларини йўлга қўйишга келишиб олинди.

Қоҳира университети мутасаддилари билан учрашув ҳам икки олий таълим муассасаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида муҳим янгиликларга бой бўлди. Мулоқотда асосий эътибор Қоҳира университетида ўзбек тилини ҳамда ТДШУда араб тилини ўқитиш учун зарур янги адабиётлар билан таъминлаш, араб тили ўқитувчилари учун қисқа мuddатли ўқув курслари ташкил этиш, талабаларга бакалаврият, магистратура ва докторантурада таҳсил олиш учун грантлар ажратиш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмасуви дастурларини ишлаб чиқишга қаратилди. Шунингдек, биргаликда ўқув адабиётлари ҳамда лугатларни яратиш каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш, жумладан, ТДШУ хўзуридаги Маҳмуд Замаҳшарий номидаги илмий-тадқиқот маркази орқали филология, тарих, халқаро муносабатлар, шарқ фалсафаси соҳаларида турли илмий йўналишлар амалга ошириш имкониятлари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳокама қилинди.

Искандария университетида ўтказилган учрашувда Мисрда ўзбекистонлик талабаларнинг ҳамда юртимиз олий таълим муассасаларида мисрлик ёшлар таҳсил олиши учун имкониятлар, жумладан, халқаро рейтингларга кириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш, маъруза ўқиш, илмий стажировка ва илмий изланишлар олиб бориш, ўқитувчилар ва талабалар алмасишувини йўлга қўйиш борасида атрофлича фикр алмашилди. ТДШУда араб тилини ўқитиш бўйича дастурлар яратиш, жумладан, тарихий манбашунослик, қўлёзмаларни ҳамкорликда ўрганиш, туризм ва гид-сайёҳлик, ташқи иқтисодиёт фаолият йўналишларида мутахассислар тайёрлаш бўйича тақлифлар илгари сурилди.

Илмий лойиҳаларни амалга ошириш, фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш, илмий тадқиқот натижаларини тижорийлаштиришда Миср бўйича етакчилик қилувчи Хелвон университетида ўтказилган учрашув ҳам самарали бўлди. ОТМ раҳбарияти ТДШУ билан араб тили бўйича қўшма таълим дастурини йўлга қўйишга қаратилган барча тайёргарлик яқунлангани ва ушбу дастурни 2023/2024 ўқув йилидан бошлаш тақлифини илгари сурди.

Мазкур йўналишларда ҳамкорлик қилиш, айниқса, Ўзбекистоннинг араб давлатлари билан алоқалари тобора кенгайиб бораётган ва араб тилини ўрганишга эҳтиёж ортаётган шароитда сифатли таълимни таъминлаш учун араб тили бўйича малака ошириш курсларини, жумладан, қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, арабшунос талабаларни Хелвон университетига қисқа мuddатли ўқишга юбориш долзарб аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Миср илмий-тадқиқот муассасалари, таҳсил марказлари билан ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган саъй-ҳаракатлар доирасида "Ал-Хивор" сиёсий ва медиа тадқиқотлари маркази раҳбарияти билан учрашув ўтказилди. Юртимиз вакиллари Ўзбекистонда чет эл университетларининг филиаллари очилаётгани, умуман, араб тилини ўрганишга қизиқиш ортаётганини таъкидлади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, ТДШУ хўзурида "Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот маркази" ҳамда "Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлил маркази" ташкил этилгани айтилди. Ушбу марказлар ва "Ал-Хивор" маркази ўртасида илмий лойиҳаларни амалга ошириш тақлифи илгари сурилди.

Марказ раҳбарияти Тошкент давлат шарқшунослик университети билан Марказий Осиё, Яқин Шарқ давлатларининг ички ва ташқи сиёсати, халқаро муносабатларига бағишланган стратегик тадқиқотлар амалга ошириш, университет профессор-ўқитувчилари ва иқтисодий ёшларининг таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича малакасини оширишга қаратилган илмий-назарий семинарлар, долзарб мавзуларда конференциялар ўтказиш, муайян сиёсий жараёнлар бўйича тайёрланган тадқиқотларга тақрирлар ёзиш, ҳаммуаллифликда монографиялар яратишда ҳамкорликка тайёрлигини билдирди.

Миср олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан музокараларда эришилган келишувлар асосида келгусида Айн Шамс университети, Қоҳира университети, Искандария университети, Хелвон университетининг қисқа мuddатли араб тили бўйича малака ошириш курсларига араб тили ўқитувчилари ва талабаларини юбориш, "Ал-Хивор" сиёсий ва медиа тадқиқотлари маркази билан биргаликда Ўзбекистон — Миср алоқаларига бағишланган илмий анжуман ўтказиш, араб жамоатчилигини Ўзбекистон ҳақидаги янги маълумотлар билан таништириб бориш учун "Ал-Хивор" маркази ҳамкорлигида электрон ахборотнома таъсис этиш, Хелвон университети билан 2023/2024 ўқув йилидан филология (араб тили) таълим йўналиши ёки лингвистика (араб тили) мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурини йўлга қўйиш устида тегишли ишлар бошлаб юборилди.

МАЪРИФАТ

Бухоро азалдан илм, маънавият маркази. Қадимда бу ерда 30 дан ортиқ олий мадраса бўлган. Ҳеч қаердан бунча кўп уламо чиқмаган. Бугун ҳам ёшлар тарбиясида, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда Бухоронинг ўз ўрни бор.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚАДИМ БУХОРО МАДРАСАЛАРИ БУГУНГИ УНИВЕРСИТЕТЛАРНИНГ ИЛК КЎРИНИШИМИ?

Фаррух ТЕМИРОВ,
Бухоро давлат университети кафедра мудири,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Марказий Осиё халқлари тарихида катта ўрин тутган Бухоро диёри дунё тамаддуни ва ислом оламидаги диний ва дунёвий илмлар, маданият, санъат, меъморчилик ҳамда ҳунармандчиликнинг йирик марказларидан бўлган. Ўз даврида унга “Қуббат ул-ислом”, “Бухорои шариф” мақомлари берилиб, бугунгача шундай тан олинади. Айниқса, жаҳонда катта шўҳрат қозонган мадрасалари дунё илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган.

Ўзбекистон ҳудуди тарихан илм-фан, маданият маркази бўлган. Шарқ ва жаҳоннинг турли мамлакатларидан диний ва дунёвий билим олиш истагидаги инсонлар, илм-фан аҳллари Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Тошкент каби кўҳна шаҳарларга интилгани тарихий ҳақиқат. Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Бухорий, Муҳаммад Жъффар Наршахий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд каби комусий олим ва мутафаккирларнинг илмий-фалсафий, тарихий қарашлари, бебаҳо илмий мероси мадраса таълимини ривожлантирди. Бундай илм масканлари дунё тараққиётига ҳисса қўшган катта олим фузалоларни етиштириб берди. Шу сабабли Марказий Осиёда қадимдан фаолият юритган мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасаси, яъни университетлари мақомида бўлган.

Цивилизацияларнинг жон томирлари бўлган мадрасалар тизими даврлар оша ривожланиб, тақомиллашиб борди. Бугунги кунда юртимизда фаолият олиб бораётган Бухоро давлат университети ҳам ислом оламидаги дастлабки таълим муассасаларидан бўлган Абу Ҳафс Кабир ва Фарҳад мадрасаларининг бевосита вориси ҳисобланади. Бу эса ҳозирги мустақил Ўзбекистон таълим тизимининг жуда қадимий экани, Бухорои шарифда университетлар деярли минг йил олдин шаклланиганидан далолат беради.

Юртимизда таълим тизими шаклланиши ва ривожланиши уша даврлардаги мадраса-таълим муассасалари тарихи билан боғлаш давлатимиз раҳбари олиб бораётган ислохотларнинг юксак намунасидир. Бу туркий халқларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда ривожланиши, минтақада илм-фан ривожини ўрганиши ва давом эттиришига ҳам йўл очди.

Президентимиз ўтган йили 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг йиғилишида сўзлаган нутқида қуйидаги фикрларни келтириб ўтган эди: “Маълумки, қадим туркий замин минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, дунё маданиятини бойитиб келган. Биз Туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улғун аждодларимиз томонидан биргаликда яратилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ана шундай бебаҳо меросни сақлаб қолиш, уни чуқур ўрганиб, келгуси авлодларимизга беэавол етказиб барчамиз учун энг асосий вазифадир”.

Ўзбекистон тақлифи билан 2022 йил Туркий давлатлар ташкилоти доирасида “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинган бўлса, Бухоро шаҳри “Туркий дунё ёшлари пойтахти” мақомига эга бўлди. Демак, Бухорои шариф асрлар ўтсада, ҳамон туркий халқларни, илм-фан аҳлини бирлаштиришда, маданиятлар ривожига кенг йўл очмоқда.

Кучи кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи давомида

ҳам Бухоро шаҳридаги Мир Араб олий мадрасасини бориб кўрди, диний таълим соатлари ва сифатини ислоҳ қилиш, уни амалиёт билан боғлаш бўйича фикр билдирди.

Илм аҳли талпинган маскан

Яна тарихга қайтамыз. Мовароуннахрга ислом дини кириб келиши билан диний таълим ва у билан боғлиқ илмлар ривожлана бошлади. Маънавиятда хурфидорлик, илм-фанга ҳурмат-эътибор ва унинг қад-қиммати юксак баҳолаш устунлик қилди. Айниқса, диний ва дунёвий илмлар узвий ҳолда тараққий этди. Айнан шу даврдан ҳудудларда мактаб ва мадраса ҳам давом этди. Улар Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида алоҳида нуфузга эга ўқув маскани сифатида катта обрў-эътибор қозонди.

Айниқса, кўҳна ва боқий Бухорои шариф ўзининг кўп сонли мадрасалари билан машҳур бўлди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, IX-XI асрларда Бухорода 20 га яқин мадраса фаолият



юритган. Булар орасида олий мақомага эга мадрасалар ҳам бўлган. Бухоро дунёнинг хар бурчагидан талабалар келиб, таҳсил оладиган илм шаҳрига айланган. Бу анъана кейинги асрларда ҳам давом этди. Шу сабабли аксарият муаллифлар Бухоро ҳақида сўз кетганда, аввало, шу жиҳатига эътибор қаратган.

Аштархонийлар даври муаррихи Махмуд ибн Вали (XVII аср) Бухоронинг илм тарқатуви маркази сифатидаги хизматини шундай баҳолайди: “Олимларнинг қўлтигидан уни олимлар ва илм-фан бўлоғи деб атайдилар”. XIX асрда Бухорога сафар қилган Е.К.Мейендорф эса бу диёрни “Ўзининг кўп мактаблари, олимлари ҳамда муқаддас қадамжолари сабабли муулмонларнинг зиёратгоҳига айланган. Эҳтимол, шунинг учун у “шариф” номига сазовор

бўлгандир”, дея таърифлайди. Ёқутий “Бухоро фақиҳлар академияси ва фозиллар маконидир. Бухородек илм аҳлига ҳурмати кучлироқ шаҳар аҳлини кўрмаганман”, дея эътироф этган.

IX-XII асрларда юз берган Биринчи Ренессанс — Уйғониш даврида ҳам Бухоро илм-маърифат ва маданият маркази бўлган. Урта асрларда диний марказ сифатида шўҳрат қозонган жаҳондаги етти шаҳарга “Шариф” (шарофатли, муқаддас) унвони берилгани манбаларда келтирилади. Улар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Бағдоди шариф, Қуддуси шариф, Дамашқи шариф (Шом), Мозори шариф ҳамда Бухорои шариф эди.

Бухорога бу юксак унвон бежиз берилмаган. Унда қадимдан илму ирфон, маърифату маънавият ривож топган, турли миллат, дин ва эътиқоддаги аҳоли бир тану бир жон бўлиб, иноқ яшайдиган, одобу ахлоқда, мардлиги

хатоба (нотиклик), риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), жуғрофия (география), фалсафа каби фанлар ўқитилган. Айрим ихтисослашган мадрасаларда аниқ ва табиий фанлар махсус ўргатилган. Хусусан, тиббиётта ихтисослашган мадрасаларда Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Розий каби буюк алломаларнинг асарларидан сабоқ берилган.

Олий таълимнинг дастлабки намуналари

Илк ислом давриданок масжидлар бунёд этила бошланди. Дастлаб илм мажлислари масжидларда олиб борилган бўлса, кейинчалик уларда таҳсил олиш йўлга қўйилди. IX асрда бутун ислом оламидаги биринчи тизимли мадраса айнан Бухоро шаҳрида бунёд этилган. Бу 800-810-йилларда қурилган Абу Ҳафс Кабир Бухорий мадрасасидир.

“XX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ЯШАГАН МАШҲУР АДИБЛАР АБДУРАУФ ФИТРАТ ВА САДРИДДИН АЙНИЙ ЎША ДАВРДА БУХОРОДА МАДРАСАЛАР СОНИНИ 200 ТА, ШАРИФЖОН МАХДУМ САДР ЗИЁ 204 ТА, МУҲАММАД АЛИ БАЛЖУВОНИЙ ЭСА 400 ГА ЯҚИН, ДЕБ ЁЗАДИ. ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ ХИСОБОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ БИРИДА 1914 ЙИЛДА БУХОРО АМИРЛИГИДА 350 ТА МАДРАСА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛГАН.

Аллома Бухорода илмий ва диний билимлар ривожига катта ҳисса қўшган мадрасага асос солган эди.

Тарихчи А.Вамбери ўзининг “Тарихи Бухоро” ва Садатий “Тарих ад-дувал” номли асарларида Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг мадрасаси ислом оламининг турли улқаларидаги олимлар ва талабалар оруз қилган мадраса бўлгани ҳақида тўхталиб ўтди. Мазкур мадраса фаолиятини ақд эттирувчи манбалар оз бўлса-да, мадрасада мударрислик қилган бир қатор йирик фақиҳлар ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган. Мударрислар орасида Муҳаммад ибн Аҳмад Шохвайёҳ Форисий ҳам бўлган.

Наршахийнинг маълумотига кўра, Абу Ҳафс Кабир ҳар тонг бомдод наомидан кейин талабаларга дарс берган. Олим қўллаб шогирдларни тарбиялаб, камолга етказган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс, Абу Жъффар Ризвон ибн Салим Бадокорий, Абул Ҳасан Муқотил ибн Саид Байдарий, Муҳаммад ибн Ҳотам Субизуғукий ва бошқалар шунлар жумласидан.

Шогирдларининг ривоят қилишича, Абу Ҳафс Кабирнинг шўҳрати бутун ислом оламига кенг тарқалган. Олимлар унинг илму фазлини юқори баҳолаб, “муаллимий ислом”, яъни “ислом динининг муаллими”, деб қақирган. Унинг шарофати билан Бухорони “Қуббат

“ IX-XII асрларда юз берган Биринчи Ренессанс — Уйғониш даврида ҳам Бухоро илм-маърифат ва маданият маркази бўлган. Урта асрларда диний марказ сифатида шўҳрат қозонган жаҳондаги етти шаҳарга “Шариф” (шарофатли, муқаддас) унвони берилгани манбаларда келтирилади. Улар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Бағдоди шариф, Қуддуси шариф, Дамашқи шариф (Шом), Мозори-шариф ҳамда Бухорои шариф эди.

ул-ислом”, яъни “Ислом динининг гумбази”, у киши яшайдиган маҳалла дар-восасини эса “Ҳақроҳ”, яъни “Ҳақ йўли” деб номлашган экан.

IX-X асрларда Бухорода Ғарибия, Капободия мадрасалари ҳам қад ростлаган. Марказий Осиёнинг тўнғич тарихнавис олими, муаррих Муҳаммад Жъффар Наршахий Бухорий ўзининг 943-944 йилларда ёзган машҳур “Бухоро тарихи” асарида келтиришича, 937 йилги ёнғиндан зарар кўрган Фарҳад мадрасаси ҳам Бухорода қурилган ислом оламидаги дастлабки мадрасалардан эди. Шарқшунос А.Б.Холидов ва бошқа қатор тадқиқотчилар Мовароуннаҳр ҳамда Хурсонда араб халифалигида илк бор мадрасалар барпо этилганини таъкидлаб, биринчи мадраса Бухородаги Фарҳад мадрасаси деган фикрни олға суради. Бу эса салжувий вазири Низомулмулк миллодий 1066 йили Бағдодда барпо этган “Низомия” мадрасаси ислом цивилизацияси тарихидаги биринчи тизимли мадраса (академия) деган қарашни инкор этади. Чунки тарихий манбалар бу мадрасадан қарийб икки йил аср бурун Бухорода тизимли олий мадрасалар, бугунги тил билан айтганда, академия ва университетлар бўлганидан далолат беради.

XII асрнинг ўрталарига келиб Бухоронинг Дарвозаи Мансур маҳалласида ислом ҳуқуқшунослари учун олий махсус “Фақиҳлар мадрасаси” бунёд этилган. Шунингдек, Мўғул ҳоконлари Муңкхон, Хулағуҳон ва Хубилайхоннинг онаси — малика Суюркүктанибека

Абдуллаҳон II даврида ҳам бунёдкорлик ишлари анча тараққий этди. Бу даврда Модарихон, Абдуллаҳон, Қўқалдош мадрасалари қурилди. Уларда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилган.

1697 йилда аштархонийларнинг машҳур вакили Субҳонқулиҳон томонидан тиббиёт соҳасини ривожлантириш мақсадида Бухорода “Буқъаи дор аш-шифо” номли 18 хужрали мадраса барпо қилиниб, унда соҳа мутахассислари дарс беради. Мадраса қошида шифохона, дорихона, кутубхоналар ҳам бўлган.

Манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухорода фаолият юритган мадрасалар сони манбаларда турлича келтирилган. XX асрнинг бошларида яшаган машҳур адиблар Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний уша даврда Бухорода мадрасалар сонини 200 та, Шарифжон Махдум Садр Зиё 204 та, Муҳаммад Али Балжувоний эса 400 га яқин, деб ёзади. Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисоботи билан боғлиқ архив ҳужжатларининг бирида 1914 йилда Бухоро амирлигида 350 та мадраса фаолият кўрсатгани қайд этилган.

Бундан ташқари, рус сайёҳи Н.Ханиковнинг ёзишича, Бухорода амир руҳиятида қайд этилган 103 та мадраса бўлиб, улардан 60 таси катта мадраса ҳисобланган. Инглиз сайёҳи А.Бёрнс шаҳарда мадрасалар сони 366 та деса, П.Иванов 150 дан ортиқ мадраса фаолият юритган ва ўқувчилар сони 30 мингга етган, деб ёзади. Хуллас, турли маълумотлар умумлаштирилганда, Бухоро амирлигида шу даврда 400 га яқин мадраса мавжуд бўлган, дейиш мумкин.

Мадрасаларда ўқув дастурлари уч қисм — диний адабиётлар, умумтаълим фанлар ва махсус педагогик фанларга бўлиб ўқитилган. Ўқув курси одатда “Аввали илм” деб номланган форс тилидаги ўқув қўлланмани ўзлаштириш билан бошланган. Мадрасаларда турли курсни ўқиб тугатиш учун талабалардан фалсафа ва ҳуқуқ фанларига оид тахминан 137 та дарслик-қўлланмани ўзлаштириш талаб этилган. Бу дарсликларнинг аксариятини марказий осиелик алломалар асарлари, жумладан, Имом Бухорий ва Исо Термизийнинг ҳадис тўпламлари, Абу Мансур Мотуриддиннинг “Китоб ат-тавҳид”, Бурхониддин Марғинонийнинг “Ал-ҳидойа фи шарҳ ал-бидоя”, Умар Қазвинийнинг “Ар-рисола аш-шамсия фил қаовид ал-мантқиқийа” каби асарлари ташкил этган.

Умуман, Бухоро мадрасалари қадимдан ўз нуфузига эга бўлиб, талабаларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган. Бу эса халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган анъаналари, урф-одат, одоб-ахлоқ меъёрлари, тарихий-миллий қадриятларини сақлаб қолиш, талабаларни камтар, хушмуомала, ростқўй, олижаноб, сабр-тоқатли, ҳалол қилиб тарбиялашга ёрдам берди. Диний ва дунёвий фанлар уйғунлигида ўқитилиб, маърифатпарвар олимлар, давлат арбоблари етишиб чиқди.

Бугун ҳам ана шу таълим тизимининг илгор утуқларидан фойдаланиш ислохотларнинг энг авваллида турибди. Хусусан, Бухоро давлат университетида маънавий-маърифий, илмий-педагогик соҳаларда шонли анъаналар давом эттирилиб, замонавий университет модели яратилишига хизмат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
14119 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй